

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

**Г.Ишмуродова,
Қарши ДУ университети
катта ўқитувчиси**

Умумий ўрта таълим мактабларида замонавий дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш учун ўқитувчи ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиши ва уни тасаввур этиши ҳамда бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиши лозим. Дарс жараёнини лойиҳалаштириш янги дарсни технологик харитасини тузишдан бошланади. Бундай технологик харитани тузиш учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар, усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарсни ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилишига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Қуйида биз, 8- синфда меҳнат таълимидан “ТВД-120 ёғочга ишлов бериш токарлик станогининг вал ва ўқларининг вазифалари” мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган технологик харитасини ва дарс жараёнини мисол тариқасида келтирамиз.

Технологик харита

Мавзу:	ТВД-120 ёғочга ишлов бериш токарлик станогининг вал ва ўқларининг вазифалари.
Мақсад:	Ёғочга ишлов бериш машиналари ва станина, плита қути (каробка)лар бўйича ўқувчиларга билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.
Вазифалар:	Мавзуга оид тарқатилган материалларни ўқувчилар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари

	ҳамда суҳбат-мунозара орқали тарқатма материалларидаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларнинг билимини баҳолаш.
Ўқув жараёнининг мазмун:	Ёғочга ишлов бериш машиналарининг асосий қисмлари ва уларнинг ишлаш принципи билан танишиш. Машиналардан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари. Станина, плита қути (каробка) лар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш. Вал ва ўқларнинг вазифаси ҳамда қўлланилиши. Вал ва ўқларнинг давлат стандартларида белгиланиши.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: оғзаки баён қилиш, суҳбат, мунозара дидактик ўйин технологияси. Шакл: матбуот конференцияси, гуруҳларда ва жамоада ишлаш. Восита: тарқатма материаллар, матнлар. Усул: Тайёр ёзма материаллар ва чизмалар асосида. Назорат: оғзаки, савол-жавоблар, ўз-ўзини назорат қилиш. Баҳолаш: рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида.
Кутилад иган натижалар:	Ўқитувчи: Мавзунини қисқа вақт ичида барча ўқувчи томонидан ўзлаштирилишига эришади, ўқувчи фаоллигини оширади. Ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир вақтнинг ўзида кўпчилик талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Ўқувчи: Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашга ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз- ўзини назорат қилишни ўрганади. қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлади.
Келгуси режалар (таҳлил	Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш, ўз устида ишлаш. Мавзунини ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик

Ўзгаришлар):	махоратни ошириш. Ўқувчи: матн билан мустақил ишлашни ўрганиш. Ўз фикрини равон баён қила олиш. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш. Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилиш.
--------------	--

“ТВД-120 ёғочга ишлов бериш токарлик станогининг вал ва ўқларининг вазифаси” мавзусини ўқитишда дидатик ўйин технологияси (матбуот конференцияси) дарсидан фойдаланилади. Матбуот конференцияси дарси ўқитувчининг кириш сўзи билан очилди. Кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништирилади. Мазкур дарсда дарс қуйидагича лойиҳаланади.

Дарснинг бориши:

1. Ўқитувчининг кириш йўриқномаси;
2. Ўқувчиларни олимлар, мухбирлар ва шарҳловчи гуруҳларига ажратиш;
3. Гуруҳларни мунозаравий чиқишлари;
4. Ўқитувчининг жорий йўриқномаси;
5. Якуний йўриқнома;

Ўқитувчи кириш йўриқномасида бугунги дарс (ўйин)ни ўтказиш тартиби билан таништириб ўйин қоидаларини ишлаб чиқиш лозимлиги ҳақида фикр билдиради ва қуйидаги ўйин қоидаларини ўқувчиларга таклиф қилади.

Ўйин қоидалари:

1. Шеригингизни диққат билан тингланг.
2. Гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этинг.
3. Регламентга риоя қилинг.
4. Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Ўқитувчи ўқувчилардан ўйин қоидаларига ўзгартириш бўйича таклифлар бўлса, айтинг, марҳамат киритамиз деб айтади. Таклифлар бўлса қабул қилинади.

Шундан сўнг, ўқитувчи матбуот конференцияси дарсида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг вазифалари билан таништиради. Бу вазифалар қуйидагича бўлади:

Усул	Таълим олувчининг вазифалари	Таълим берувчининг вазифалари
Дидактик ўйин технологияси (матбуот конференцияси)	Саволларни шакллантириш, хулосаларни аргументлаштириш, ҳулқ-атворни коррекция қилиш, вазиятдан чиқа билиш, тўғри қарор қабул қилиш.	Матбуот конференцияси дарсининг режасини тузиш, вазиятнинг мазмунини ва қатнашувчи шахсларнинг тавсияномасини ишлаб чиқиш, иштирокчиларнинг ҳаракатларини йўналтириш, якунлар ясаш, натижаларни баҳолаш.

Ўқитувчи бугунги матбуот конференцияси дарсида ўқув устахоналарида ўқувчилар қўл меҳнатини енгиллаштирадиган ёки қўл меҳнатида озод қиладиган, кам вақт, оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини берадиган ёғоч ишлаш станокларининг турлари, тузилиши, вазифаси, уларни ишга созлаш, иш вақтида риоя қилинадиган хавфсизлик техникаси қоидалари билан таништиради ва бу станоклар билан амалий машғулотлар ўтказилиб, уларда станокларни бошқариш ва ишлаш бўйича меҳнат малакалари ҳосил қилинишига бағишланиши, конференцияда

техника фанлари доктори, педагогика фанлари доктори, шарҳловчилар ва мухбирлар иштирок этаётганлигини қайд этади.

Мавзу матни ўқувчиларга 3-4 кун аввал берилганлиги сабабли дарсни ўтказиш мумкин бўлади:

Ўқитувчи синфдаги ўқувчиларни аввалдан тайёрлаб қўйилган рангли карточкалар ёрдамида олимлар ва мухбирлар гуруҳига ажратади. Синфдаги иккита ўқувчи шарҳловчи сифатида махсус тайёрланади. Дарс бошланади. Ҳар иккала гуруҳ ўз фаолиятини бошлайди.

“Матбуот конференцияси”да мухбирлар ролини бажараётган талабалар олимларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этишлари мумкин:

1. Дурадгорлик ўқув устахоналарида қандай турдаги станоклардан фойдаланилади?
2. ТВД-120 типдаги “Ёғоч ишлаш токарлик станоклари” қандай қисмлардан иборат?
3. Ёғоч ишланадиган токарлик станогидида қандай иш усулларида фойдаланилади?
4. Ёғоч ишланадиган токарлик станогидида ишлаш вақтида қандай хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинади?

Конференция давомида махсус тайёрланган шарҳловчилар савол ва жавобларни шарҳлаб тушунтириш ишларини олиб боришади.

Ўқитувчи олимлар, мухбирлар ва шарҳловчилар фаолиятини йўналтириб туради. Ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари қуйидаги баҳолаш мезони асосида амалга оширилади.

1. Саволларни шакллантириш, жавобларнинг аниқлиги - 2 балл
2. Вақт меъёрига амал қилинишига - 2 балл
3. Фаол иштирокчилар сони (гуруҳ баҳоланаётганда) – 1 балл

Индивидуал баҳолаш ҳам худди шу мезон асосида олиб борилади. Баҳолаш мезонлари ўқувчиларга дарснинг кириш йўриқномаси вақтида

эълон қилинади. Дарс ўқитувчининг якуний йўриқномаси орқали хулосаланади. ғолиб ўқувчилар рағбатлантирилади.